

Уюшган жиноий гуруҳ тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий тавсифи

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва назариянинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, жиноятларни квалификация қилишда йўл қўйилаётган хатоликларнингкўп қисми айнан жиноятда иштирокчилик шакллари ва уларни бири-биридан фарқлаш масалаларига тўғри келмоқда. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда жиноятда иштирокчилик шакллариининг тушунчаси ва уларнинг жиноят-ҳуқуқий хусусиятларини илмий нуқтаи назардан таҳлил қилишҳамда иштирокчиликнинг шаклларига оид суд амалиётидаги мавжуд муаммоларни бартараф этишгақаратилган илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишдолзарб масалаларидан саналади.

Барчага аёнки, уюшган жиноий гуруҳ томонидан содир этиладиган жиноятлар оддий ёки мураккаб иштирокчиликдан ёхудякка ҳолда содир этилган жиноятларга қарагандаҳар доим катта ижтимоий хавф туғдиради. Ваҳоланки, бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлардаиштирок этадиган ҳар бир шахсга мансуб бўлган маҳорат, билим ва жиноий кўрикмаларнинг бирлашуви кузатилади.Шу боис, жиноят содир этиш мақсадида бир неча шахсларнинг бир гуруҳга бирлашиши ва уларнинг уюшганлик даражаси ҳамда барқарор хусусиятга эга эканлиги, авваламбор, унинг жиноий фаолият механизмига мансуб хусусиятини ифода этади.

Шуни қайд этиш жоизки, иштирокчилик шаклларига оид ҳуқуқий нормаларни амалда қўллаш самарадорлигини оширишучун уларнинг тушунчасини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Мадомики, иштирокчилик шаклларига берилган тушунчалар орқали уларнинг ўзига хос белгилари ва юридик табиати аниқланади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги юқори

¹ Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта илмий ходим-изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

поғона билан қайд этилган, шунингдек, унда уюшган гуруҳга тушунча берилган. Унга кўра (ЖК 29-м. 4-қ.), икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жинойий фаолият олиб бориши учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади. Аммо, назаримизда, ушбу таъриф уюшган гуруҳларнинг барча жинойий-руҳий хусусиятларини очиб беришга ожиздир. Зеро, ҳозирги тергов амалиёти тажрибасида учрайдиган анъанавий гуруҳлар турли хил кўриниш ва хусусиятга эга бўлмоқда. Чунончи энг оддий гуруҳлар вазиятга қараб вужудга келиши, вақти-вақти билан фаолият олиб бориши ва бирон-бир иқтисодий омилларга таяниб биргаликда вақт ўтказиш оқибатида яратилмоқда. Ҳолбуки, жинойий гуруҳ аъзоларининг жиноятсодир этиш тўғрисидаги ўзаро келишувлари айнан муайян турдаги жиноятни содир этиш арафасида вужудга келиши мумкин. Бундай гуруҳларда узок вақт давом этувчи жинойий мақсадни топиб бўлмайди. Улар мақсадини қисқа вақт ичида амалга ошириб бу гуруҳларда яққол кўзга ташланиб турадиган тузулмалар бўлмайди, шунингдек, уларнинг ҳар бири бирон бир ҳаракат бўйича ажратилмайди, бўлинмайди ва уларда раҳбарлик қилувчи шахс жамоадан ажралмайди. Аксарият уюшган жинойий гуруҳларда, барча қарорлар жамоа билан қабул қилинади, жиноят эса, айнан шу жамоа томонидан содир қилинади. Бундай жинойий гуруҳлар қисқа умр кўради ва бир ёки бир нечта жиноятларни содир қилгандан сўнг тарқаб кетади. Шундай гуруҳлар айниқса, вояга етмаган ва 18–25 ёшлилар ўртасида ривожланган, чунки, кўпинча улар яққол ҳолда жиноят содир этмайдилар.

Бунга қараганда, бирон бир муайян вазият туфайли ёки аввалдан тил бириктириш натижасида вужудга келган уюшган жинойий гуруҳлар тузилиши бўйича мураккаб ва уюганроқдир. Уларнинг хусусияти шундаки, бундай гуруҳлар – узок вақт мабойнида фош этилмасдан фаолият юритади. Шу нуқтаи назардан ҳам юридик адабиётларда уюшган жинойий гуруҳнинг юридик табиатини тўлиқ ифода этадиган тушунчасини шакллантиришга қаратилган уринишлар доимо бўлиб келган. Аммо юридик адабиётларда уюшган жинойий гуруҳ тушунчасига оид ишлаб чиқилган таърифлар ўзига

хос бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади ҳамда тегишли баҳс-мунозарни талаб этади.

Хусусан, мазкур муаммони таҳлил қилган, А.М. Рустамбаевнинг ёзишича, «Икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир ёки бир неча жиноят содир этиш мақсадида олдиндан бир гуруҳга барқарорбирлашиши уюшган жиноий гуруҳ деб топилади»². Бироқ, берилган ушбу таърифда «бир гуруҳга барқарор бирлашиш» деганда нимани тушуниш лозимлиги аниқ очиб берилмаган. Шунинг билан биргаликда А.Р. Кадиров «уюшган гуруҳ деганда, бир туркумга кирувчи жиноят таркибларини қамраб олган жиноий фаолиятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан бирлашишини тушуниш лозим»³лигини тавсия этади. Бизнингча, ушбу таъриф ҳам уюшган жиноий гуруҳнинг юридик табиатига оид бўлган суд амалиёти муаммоларни ҳал қилишга хизмат қила олмайди. Чунки уюшган жиноий гуруҳ томонидан нафақат бир туркумли жиноятлар, балки ўхшаш ёки турли жиноятлар содир этилиши мумкин. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу таъриф уюшган жиноий гуруҳ тушунчаси имкониятларни қисқартиришга олиб келади.

Бундан ташқари Ж.А. Неъматов «Икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун бир гуруҳга бирлашишини уюшган гуруҳ деб тушуниш керак»⁴лигини таъкидласа, И.А. Соттиев «Жиноий фаолият билан шуғулланиш мақсадида барқарор йўсинда бирлашган ва норасмий қоидаларга риоя қилиб ташкилланиш тарзда жиноят содир этувчи ҳамда ягона йўлбошчига бўйсунувчи гуруҳни уюшган жиноий гуруҳ деб ҳисоблайди»⁵. Кўриб турганимиздек, келтирилган биринчи таъриф жиноят

² *Рустамбаев А.М.* Совершенствование уголовного законодательства и правоприменительной практики по борьбе с групповыми формами преступности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2010. – С. 20.

³ *Кадиров А.Р.* Уголовно правовые меры борьбы с соучастием в организованных группах и преступных сообществах: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2006. – С. 11.

⁴ *Неъматов Ж.А.* Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с транснациональной организованной преступностью: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Т., 2008. – С. 31.

⁵ *Соттиев И.А.* Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чоралари: Юрид. фан. номз. дис. ... – Т., 2002. – Б. 53-54.

конунчилигида уюшган гуруҳга берилган амалдаги тушунчасига яқин ҳисобланади. Шу сабабли юқорида келтирилганасосларни инобатга олсак, мазкур таъриф ҳам камчиликлардан ҳоли эмас. Ундан ташқари иккинчи таъриф ҳам уюшган жиноий гуруҳ тушунчаси имкониятларини «ягона йўлбошчига бўйсунувчи» деб янада торайтиради. Чунончи суд амалиёти материалларининг таҳлили шуни кўрсатади, уюшган жиноий гуруҳлар ҳар доим ҳам ягона йўлбошчига эга бўлавермайди, балки у айрим ҳолларда жамоавий ёки корпоратив бошқарув хусусиятига эга бўлади.

Юқоридагилар билан бирга мазкур ҳолатга профессор И.Исмаилов ўз эътиборини қаратар экан, у «Икки ёки ундан ортиқ шахснинг, биргаликда уюштирилган жиноят содир этиш ёки жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашишини уюшган жиноий гуруҳ деб тушуниш керак»лиги тўғрисидаги фикрни билдириб ўтади. Агар мазкур таърифта эътибор қаратилса, унда икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноий фаолият олиб бориш учун бир гуруҳга бирлашишидан ташқари, уларнинг биргаликда уюштирилган жиноятни содир этиш учун ушбу жиноий гуруҳга бирлашишини ҳам назарда тутаяди. И.Исмаиловнинг ёзишича, «Уюштирилган жиноят деганда, гуруҳ ёки уюшма томонидан олдиндан режалаштирилиб, тайёргарлик кўрилиб ва ташкил қилиниб, қасддан содир этилган жиноий қилмиш тушунилади»⁶. Агар ушбу таъриф илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинса, албатта у уюшган жиноий гуруҳнинг жиноят-ҳуқуқий табиатини очиб беради, бироқ биз уюшган жиноий гуруҳ тушунчаси матнида «жиноий фаолият билан шуғулланиш» иборасидан фойдаланишни қўллаб-қувватлай олмаймиз. Чунки суд амалиёти ушбу иборани тушунишда бир қатор муаммоларга дуч келмоқда ва натижада унинг мазмунини бир хилда тушуниш имконияти юзага келмаяпти. Негаки, муаллифлар ҳам унга турлича таърифлар бермоқдалар. Жумладан, И.Исмаилов «Жиноий фаолият – уюштирилган жиноятларни мунтазам равишда содир этиш мақсадида амалга оширилган ўзаро боғлиқ барқарор хатти-ҳаракатлар тизимидир» деса,

⁶ *Исмаилов И.* Уюшган жиноий тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док. ... дис. автореф. – Т., 2006. – Б. 10.

И.А. Соттиев, «Жиноий фаолият билан шуғулланиш деганда, гуруҳнинг доимий равишда жиноят содир этиб келганлиги ва шу ҳаракатларини яна давом эттиришни кўзда тутганлиги ёки янги тузилган гуруҳнинг жиноят содир этишни доимий равишда мақсад қилиб қўйганлиги ёхуд ўта пухта ташкил этилган катта ҳажмдаги битта жиноят содир этишни тушуниш лозим»⁷, деб тушунади. А.Р. Кадировнинг таъкидлашича, «жиноий фаолият деганда, нафақат уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларнинг сони, балки тайёрланаётган жиноятларнинг сони ва даражаси (сифати), уларнинг йўналиш хусусиятлари, яъни уюшган гуруҳ жиноий фаолиятининг ихтисослашганлиги тушунилади»⁸.

Гувоҳи бўлганимиздек, «жиноий фаолият билан шуғулланиш» иборасининг тушунчаси турли туман ва унинг чегарасини белгилашнинг аниқ имконияти чекланган. Кўпчилик муаллифлар жиноий фаолият билан шуғулланиш мазмунини иштирокчиларнинг руҳий ҳолати билан боғлайди. Буни эса исботлашнинг ўзи мураккаб, бироқ айрим муаллифлар жиноий фаолиятни объектив айблов принципига асосан исботлашни таклиф этади. Албатта бу уюшган жиноий гуруҳнинг ҳуқуқий баҳолаш нуктаи назаридан ижобий, бироқ назаримизда бу ҳам амалий жиҳатдан мазкур муаммо ечимини бермайди.

Шунингдек, уюшган жиноий гуруҳ борасида юқорида билдирилган таърифлардан бошқачароқ фикрни илгари сургантадқиқотчилар М. Туруғунова ва С.Ниёзоваларнинг назарида, «уюшган гуруҳ – ўз мақсадига ва уюшган даражасининг мунтазам барқарорлигига эга бўлган, олдиндан тил бириктирган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бир ёки бир нечта жиноятни содир қилиш учун бирлаштиришидир»⁹. Назаримизда, ушбу таърифда муаллифлар «... ўз мақсадига ... эга бўлган» деб, уюшган жиноий гуруҳ аъзоларининг ноаниқ мақсадини ифодалаганлар, чунки мақсад ўз навбатида

⁷ Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари: Ўқув қўлланмаси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б.28.

⁸ Кадиров А.Р. Кўрсатилган манба. – Б. 11.

⁹ Ниёзова С. Иштирокчилик тушунчаси, турлари, шакллари жавобгарлик масаласи: Ўқув қўлланма, – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2003. – Б. 27; Туруғунова М. Уюшган гуруҳ тушунчаси ва унинг белгилари/ Нуқуқшунос – юрист. – 2013. – № 4. – Б. 18-19.

хам ижобий, ҳам салбий (жинойй) хусусиятга эга бўлади. Бундан ташқари таърифда ифодаланган «уюшган даражасининг мунтазам барқарорлиги» ва «бир ёки бир неча жиноятни содир қилиш учун» иборалари мантиқан бир-бирини бағламайди ва улар бир-бирини инкор ҳам қилади. Негаки, «мунтазамлик» доимийликни, тарқалмасликни назарда тутди. Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, агар икки ёки ундан ортиқ шахс битта жиноятни содир этиш учун олдиндан бирлашиб, кейинчалик уни содир этиб бўлгач тарқатилиб юборилса, бундай ҳолда мунтазамлик ўз хусусиятини йўқотади.

Айтиш жоизки, уюшган жиноий гуруҳга юқорида берилган тушунчаларда, «икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир гуруҳга бирлашиши» уюшган жиноий гуруҳни ташкил этишнинг асосий белгиси сифатида назарда тутилган. Аммо, бизнингча, бу ҳам уюшган жиноий гуруҳ тушунчасини белгилашдаги камчиликлардан бири ҳисобланади. Чунончи мазкур ҳолат ўтказилган тадқиқот натижасида яна бир бор аён бўлди. Хусусан, ўтказилган тадқиқотда қатнашган респондетлардан «Сизнингча, уюшган жиноий гуруҳ икки нафардан иборат таркибда тузилиши мумкинми?», деб сўралганда, уларнинг 98 фоизи мумкин эмас, деб жавоб беришган¹⁰. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, икки шахсдан иборат таркибдаги уюшган жиноий гуруҳ суд амалиётида деярли учрамайди, чунки улар ўз хусусиятига кўра уюшган жиноий гуруҳ деб топилмайди.

Бундан ташқари статистик маълумотлар таҳлилининг натижаларига ҳам буни тасдиқлайди. Жумладан, жиноят содир этганликда аниқланган уюшган жиноий гуруҳларнинг таркиби 53,6 фоиз ҳолатда 3 нафар, 29,2 фоизида 4 нафардан 8 нафаргача ва 17,2 фоиз ҳолатда эса, 8тадан ортиқ шахсни ўзичига олган. Уларнинг 61,4 фоизи 6 ойгача, 26,8 фоизи 6 ойдан 1 йилгача, 11,3 фоизи 1 йилдан 3 йилгача ва 0,5 фоизи 3 йилдан ортиқ муддат давомида

¹⁰ Ички ишлар вазилиги тизимидаги шаҳар, туман ички ишлар бўлими 100 нафар бошлиқ таркиби, 350 нафар ички ишлар идораларининг терговчилари ва 200 нафар тезкор-қидирув ходимлари ҳамда 2223 нафар профилактика инспекторлари билан ўтказилган анкета сўрови натижалари.

жиноятлар содир этиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган¹¹. Шу боис назаримизда уюшган жиноий гуруҳ тузилиши учун унда катнашаётганларнинг минимал чегараси ҳамда унинг давомийлигини белгилаш ижобий натижа беради ҳамда ўз навбатида иштирокчилик шакллари бир-биридан фарқлашга ҳам имкон беради.

Эътироф этиш керакки, бугунги замонавий шароитда миллий жиноят қонунчилигини ривожлантириш истиқболларидан бири М.Х. Рустамбаев ва Р. Кабуловларнинг ҳақли равишда таъкидлашларича, амалдаги жиноят қонунчилиги нормаларини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормалари ҳамда Ўзбекистон давлати қўшилган конвенцияларнинг нормалари билан мувофиқлаштириш зарур¹²лигидир. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси муҳокама қилинаётган масалага бевосита боғлиқ бўлган, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2000 йил 15 ноябрдаги «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги конвенциясини ратификация қилган¹³. Мадомики, ушбу конвенция нормаларининг (2-м. «а» б.) талабларидан бири уюшган жиноий гуруҳнинг шаклланиши учунуч ёки ундан ортиқ шахслар бўлиши талаб этилади¹⁴. Бундан тажриба шунингдек, хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилигида ҳам учрайди (масалан,

¹¹ Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот Марказининг 2014 йил январь маълумотлари.

¹² *Рустамбаев М.Х.* Уголовное законодательство Узбекистана: история создания, действительность, перспективы развития // Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига 15 йил. (Илмий амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2010. – Б. 11; *Кабулов Р.* Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари / Жиноят ҳуқуқининг долзарб масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари (2014 йил 22 февраль). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 8.

¹³ Мазкур конвенция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 30 августдаги 536–II-сонли «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида»ги қарори билан ратификация қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 2003. – № 9-10. – 15-м.

¹⁴ Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шартномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилиги: ҳужжатлар тўплами / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси; масъул муҳаррир ва сўз боши муаллифи А.Х. Саидов. – Т.: «O‘zbekiston», 2013. – Б. 120.

Украина (ЖК 28-м.)¹⁵, ХХР (ЖК 26-м.)¹⁶Италия (ЖК 416-м.)¹⁷республикалари).

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилганда уюшган жиноий гуруҳга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «**Бир ёки бир неча жиноят содир этиш мақсадида таркибий шаклланган барқарор жиноий гуруҳ таркибига уч ёки ундан ортиқ шахсларнинг олдиндан бирлашиши уюшган жиноий гуруҳ деб топилади**»

Аннотация:

Мазкур мақолада суд амалиёти материалларининг таҳлили асосида уюшган гуруҳнинг ижтимоий хавфлилиги, тушунчаси ва жиноят-ҳуқуқий хусусиятлари кўриб чиқилган. Шунингдек, мақолада иштирокчилик шаклларида бири ҳисобланган уюшган жиноий гуруҳга оид нормаларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар баён қилинган.

Таянч иборалар: жиноятда иштирокчилик, иштирокчилик шакллари, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган жиноий гуруҳ, трансмиллий уюшган жиноят, жиноий фаолият.

В статье на основе анализа судебной практики рассматриваются общественная опасность, понятие и уголовно-правовые характеристики организованных групп, а также сформулированы предложения по совершенствованию норм действующего уголовного закона, предусматривающих ответственность организованных групп.

Ключевые слова: соучастие в преступлении, формы соучастия, простое соучастие, сложное соучастие, организованная группа, транснациональная организованная преступность, преступная деятельность.

The author, on the bases of judicial practice, considers the social danger, notion and criminal and legal signs of organized groups and formulates proposals on perfection of standards of the applicable criminal law providing for the responsibility of organized groups.

Key words: complicity in crime, forms of complicity, simple complicity, compound complicity, organized group, transnational organized crime, criminal activities.

¹⁵ Уголовный кодекс Украины: научно-практический комментарий / Ю.В. Баулин и др.; за общ.ред. В.В. Сташиса, В.Я. Ция. – М., 2003. – С. 52.

¹⁶ Комиссаров В.С., Енсебаева Г.Б. Совершенствование уголовного законодательства об организованной и транснациональной организованной преступной деятельности (на примере Республики Казахстан, Российской Федерации, Китайской Народной Республики)/Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2013. – № 4 – С. 120.

¹⁷ Исмаилов И. Жиноятда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 33-34.